

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2007 йил, 28 АВГУСТ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 164 (10.973)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи муносабати билан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқимиз номига хорижий давлатлар, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, чет эллар жамоатчилиги, сиёсий ва илмий доираларининг таниқли намоёндалари, маданият ва санъат арбобларидан табрик мактублари келмоқда. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ҳам ўз табрик мактубини йўллади.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Фидокорлар миллий демократик партияси ҳамда «Адолат» социал-демократик партияси фракцияларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

● Республикаимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги байрами арафасида «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан икки кичик варақ кўринишида, 16 та почта маркаси икки купондан иборат «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги» почта маркалари туркуми муомалага чиқарилди.

● Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Шарқ тароналари» VI халқаро мусиқа фестивалига бағишланган хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Истиклолимизнинг 16 йиллик байрами арафасида Бахмал туманининг энг чекка қишлоғи — «Гулбулоқ»да 540 ўқувчи ўринга мўлжалланган педагогика коллежи қуриб битказилди. Янги ўқув йилидан бошлаб коллежда ўқувчилар бешта йўналиш бўйича тахсил оладилар. Замонавий спорт зали, ошхона, кутубхона, алоҳида фан кабинетлари улар хизматида бўлади.

● «Қува пахта тозалаш» заводи акциядорлик жамияти деҳқон ва фермер хўжаликлари етиштирган пахта ҳосилини қабул қилиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ барча техника воситаларини мавсумга тахт қилиб қўйди. Жорий йилда жамиятда Қува ва Ёзёвон туманининг 48 минг тоннадан ортиқ саноат хом ашёси қабул қилиниб, қайта ишланади.

● Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрамига туҳфа сифатида Самарқанд тумани маркази Хўжа Ахрор Валий кўрғонига «Ёшлар мажмуи» қуриб фойдаланишга топширилди. Янги мажмуада никоҳдан ўтаётган ёш келин-куёвлар учун барча қулайликлар яратилган.

ЖАҲОНДА

● Бугун Афғонистоннинг Фазни музофотида Толибон ҳаракати жангарилари томонидан гаровга олинган 19 нафар Жанубий Корея фуқароларини озодликка чиқариш юзасидан музокаралар бошланади.

● Икки ойдан буён Бельгияда ҳукумат таназули давом этмоқда. Ушбу масаланинг ечимини топиш мақсадида Бельгия қироли Альберт II кеча фақат ўта фавулодда вазиятларда фойдаланиладиган Тож кенгашини қақиришга қарор қилди. Айтиш кераки, кейинги 150 йил ичида мамлакатда Тож кенгаши фақат олти мартагина қақирилган.

● Ирокнинг сунний, шиъа ва курдлари раҳнамолари сиёсий бирдамликка келишиб олишди. Бу ҳақда мамлакат Бош вазири Нури ал-Маликий маълум қилди. Бағдодда бўлиб ўтган учрашувда раҳнамолар бўлажак сайловларнинг ижобий натижа бериши ва мазҳаблараро ўзаро тўқнашувларга чек қўйиш йўлида бирга ҳаракат қилишга келишиб олишди.

● Европа Иттифоқи ва АҚШда террорчилик таҳдидлари муносабати билан суюқликларни ташиш бўйича жорий этилган тартиб Россия авиайўналишларида ҳам қўлланила бошланди. Энди йўловчиларга ҳаво кемаси ичига жами 1 литр гаца суюқликни олиб чиқиш мумкин.

● Грецияда давом этаётган кучли ёнгин туфайли мамлакатда фавулодда ҳолат эълон қилинди. Ёнгинлар натижасида ҳаётдан кўз юмган 63 киши хотираси учун уч кунлик миллий мотам ҳам эълон қилинди. Ҳозирда кучли ёнгинлар қадимги Олимпияга ҳам етиб келди. Ёнгинни бартараф қилиш учун Грецияга Европа Иттифоқининг саккиз мамлақати ҳамда Россия кутқарувчилари кўмаклашмоқда.

● Кеча АҚШ бош прокурори Альберто Гонсалес истеъфога чиққанини маълум қилди. Таъкидлаш жоизки, кейинги ўн ой ичида бу АҚШдаги тўртинчи оқори мартабали шахснинг истеъфога чиқишидир.

● Дунёдаги энг кичик мамлакат Ватикан ҳам ўз авиакомпаниясига эга бўлди. Эндидикида авиакомпанияга тегишли иккита самолёт тўрт мамлакатнинг муқаддас жойларига Ватикандан ҳаво қатновларини амалга оширади.

● Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида олти қаватли турар жой биноси кулаб тушди. Сўнги маълумотларга қараганда, вайроналар орасида икки киши қолиб кетган бўлиши мумкин. Ҳозирда воқеа жойида кидирув-кутқарув ишлари давом этмоқда.

● АҚШнинг Орегон штатидаги шамолда ишлайдиган электростанциянинг битта минораси кулаб тушди. Натижада бир киши ҳаётдан кўз юмди, яна бир киши эса оғир жароҳатланди. Кулаб тушган миноранинг баландлиги 80 метрни ташкил этади.

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Фармонида кўра Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқро микёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли хиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:

«Ўзбекистон

Республикаси санъат арбоби»

Алимов Фарҳод Фуломович — Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, композитор

«Ўзбекистон

Республикаси фан арбоби»

Аминов Собиржон Нигматович — Тошкент фармацевтика институтининг кафедра мудири

Асроров Аскархон — Тошкент тиббиёт академияси хирургия кафедраси профессори

Маликов Восит Маликович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Усимлик моддалари кимёси институти бўлим мудири

Расулов Абдуғафур Рахимович — Ўзбекистон Миллий университетининг жаҳон адабиёти ва назарияси кафедраси профессори

«Ўзбекистон Республикаси

халқ артисти»

Матлуба Дадабоева (Халилова Мавлуда) — Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамбли хонандаси

«Ўзбекистон Республикаси

халқ рассоми»

Баҳромов Икром — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи рассом

«Ўзбекистон Республикаси

халқ устаси»

Юнусов Маҳаматали Юсупович — «Уста Юсуфжон наққош» хусусий корхонаси ёғоч ўймақор устаси

Қосимов Маҳмуджон Маъруфович — «Устазода» корхонаси ганч ўймақори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат

кўрсатган артист»

Меналиев Эскандер Энверович — Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет академик Катта театри балет солисти

Назарбеков Озодбек Аҳмадович — Ўзбекистон Республикаси Куролли кучлари ашула ва рақс ансамбли хонандаси

Назаров Одилжон Фозилович — «Сўғдиёна» халқ чолғулари камер оркестри созандаси

Султонов Нормўмин Намозович — Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет академик Катта театри опера солисти


Тиллаев Учкун Тўраевич — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Шодиева Раъно Одилевна — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри




Қодиров Абдумаруф Воҳидович — Республика Ёш томошбинлар театри актёри

Ҳамроқулов Самандар Рустамалиевич — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

(Давоми 2-бетда).



Пойтахтнинг бир кунли Янгиликлар, воқеалар



Ҳамза туманида жорий йилнинг иккинчи ярмида иш бошлаши кўзда тутилган «Медиком» Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонасида тайёрланадиган гигроскопик тиббиёт момиги 100 фоиз экспортга чиқарилади. Ушбу рақобатбардор махсулотнинг асосий буюртмачилари орасида Россия, Исроил, АҚШ, Англия давлатлари бор.

СУРАТЛАРДА: цехларга технологик линиялар ўрнатилмоқда.

Наталья Семёнова олган суратлар

Кемса сатрларда

● **МИРЗО** Улуғбек туманидаги «Динамо» спорт мажмуасида Маънавият тарихот марказининг Тошкент шаҳар ва Мирзо Улуғбек туман бўлимлари, Тошкент шаҳар ИИБнинг «Динамо» спорт жамияти, «Ка-

молот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамкорликларида Истиклол айёмининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий ва спорт анжумани «Бу байрам барчамизники, бундан халқимизники» деб номланди.

● **МИРЗО** Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «ЭКОСАН» халқаро таш-

килоти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорликларида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остида эко-фестиваллар марафони ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ ВА ИФТИХОР РАМЗИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ ВА АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ХАЛҚ ВА ВАТАН МАНФААТИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ФУҚАРОЛАРИМИЗНИНГ МЕҲНАТИНИ МУНОСИБ ҚАДРЛАШ ҲАМДА МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН РАҒБАТЛАНТИРИШ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДАН ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ.

Ўзининг ҳалол ва фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз тараққиёти, эл фаровонлигига муносиб хисса қўшиб келаётган юртдошларимизни рағбатлантиришга қаратилган, тарихий аъёнларимизни, қадриятларимизни, орзу-интилишларимиз ва порлоқ истиқболларимизни акс эттирган давлат мукофотлари ва унвонлари таъсис этилди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1998 йилнинг 28 августда таъсис этилган «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони Ватанимизнинг ана шундай юксак мукофотларидандир. «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

мамлакатимиз мустақиллигини, иқтисодий кудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавият, маданиятни юксалтиришга катта хисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат ишлари, меҳнат-севарлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-хурматиغا сазовор бўлган мамлакатимиз фуқаролари тақдирланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

Ҳозирга қадар Президентимизнинг фармонида мувофиқ кўпга фидойий юртдошларимиз мазкур орден билан мукофотланган.

Истиклол йилларида юртимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялашга ватанимиз

сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда. Хусусан, мамлакатимизда инсон камолотида муҳим ўрин тутувчи спортни ривожлантириш, оммалаштириш, ўзбек спорти довуғини оламга таратиш борасида кенг миқёсда ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, болалар спортига бўлган улкан эътибор, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақалари ёшларимизни спортга ошно этиш, уларни жисмоний чиниқтириш баробарида дунёда Ватанимиз шухратига шухрат қўшишга қодир спортчиларни тарбиялашда катта аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЮЙ ХУНЦЗЮНЬ: ЎЗБЕКИСТОН - УЛКАН САЛОҲИЯТГА ЭГА МАМЛАКАТ

МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА ЎЗА МУҲБИРИ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВКУЛОДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЮЙ ХУНЦЗЮНЬ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ.

— Элчи жаноблари, аввало, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқбол ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Зеро, ташқи дунё билан алоқаларни кенг қўламда ривожлантириш йўлидан бораётган мамлакатингиз ўз минтақасида хавфсизликнинг асосий таянчи вазифасини ўтаётгани, унинг юксак сиёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти халқро микёсда эътироф этилган.

(Давоми 2-бетда).

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи»

Олимжон Зухра Йўлчибоевна — Ўзбекистон давлат санъат институти катта ўқитувчиси
Тошмуродов Махаммадиёр Эргашевич — Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рақсозлик ва дизайн институти доценти, рангтаъсирчи расом

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»

Усмонов Аббосхон — «Правда Востока» газетаси бош муҳаррири
Иванова Анна Витальевна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг ахборот назорати ва хабар узатиш хизмати раҳбари

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

Бобров Анатолий Андреевич — Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг етакчи мутахассиси, график расом

Дўстаев Турғун Дехқонович — Ўзбекистон амалий санъат музейи директори
Жунайдуллаев Шавкат Хамидуллаевич — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбектелефильм» студияси режиссёри

Медюлянов Виктор Леонидович — Бадий жамоалар ижодий бирлашмасининг камер оркестри бадий раҳбари ва бош дирижёри
Кўчқоров Усмон Сатторович (Усмон Кўчқор) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

Арифов Саидқосим Саидзаматович — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дерматовенерология илмий тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўлими раҳбари

Борисова Елена Михайловна — Республика шунинг табибий ёрдам илмий маркази директорининг даволаш ишлари бўлими раҳбари

Гадов Абдуғаффор — Тошкент тиббиёт академияси умумий амалиёт шифокорини тайёрлаш кафедраси мудири

Ибрагимов Азиз Йўлдошев — Республика 1-клиник шифохонаси бош врач

Собиров Жўрабай Марифович — Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори, соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош анестезиолог-реаниматологи

Умарова Азизхон — Республика болалар руҳий-асаб шифохонаси бўлим мудири

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Абдуллаев Ғайрат Нигматович — Спорт яққаураши турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби мураббийи
Аҳмеджонов Равшан Раҳматович —

Спорт яққаураши турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг самбо бўлими бош мураббийи
Пўлатова Елена Леонидовна — Спорт яққаураши турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг аёллар самбо бўлими бош мураббийи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Матчонов Жасур Матқубович — Бокс бўлимида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Маҳмудов Дилшод Махаммаджонович — Бокс бўлимида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Расулов Элшод Юнусович — Марказий ҳарбий спорт клуби спортчи-йўриқчиси, бокс бўлимида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Тангриев Абдулла Товашевич — Дзюдо бўлимида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Хуббиева Гузель Шавкатовна — Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг энгил атлетика бўлимида спортчи-йўриқчиси

Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги катта хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчилик фаолияти учун куйидагилар мукофотланди:

«Буюк хизматлари учун» ордени билан

Атақўзиев Тимур Азим ўғли — Тошкент кимё-технология институти профессори

Аталиев Альберт Ервандович — Тошкент тиббиёт академияси хирургия кафедраси мудири

Маҳмудов Орхон Сирожиддинович — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Педиатрия илмий тадқиқот институти бўлим раҳбари

Салоҳиддинов Маҳмуд — Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири, академик

Убайдуллаев Абдулла Муҳаммадович — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Пульмонология ва физиотерапия илмий тадқиқот институти директори

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Каримов Шавкат Ибрагимович — Тошкент тиббиёт академияси ректори

Лямина Татьяна Павловна — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 5-болалар шифохонасининг чақалоқлар патологияси бўлими мудири

Назаров Аноркул Мамадович — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, композитор

Саиджонов Ўлмас — М.Қориев номидаги Академик ва халқ бадий жамоалари дирекцияси раҳбари

Тошболтаев Махаммад Тожалиевич — Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директорининг биринчи ўринбосари

«Меҳнат шўхрати» ордени билан

Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бош илмий котиби

Камолов Тўлаган Сирожиддинович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институти лаборатория мудири

Каримова Сурайё Убайдуллаевна —

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти директори

Мансуров Равшанбек Абдуназарович — Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиги

Маҳмамов Неъмат — Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти бўлим мудири

Мухамеджонов Шожалил Шохдиевич — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Спорт» телерадиоканали директорининг биринчи ўринбосари

Расулов Олим Шукрович — Тошкент шаҳар ҳайвонот боғи раҳбари

Труженников Александр Иванович — Ўзбекистон Фанлар академияси «Академас-боб» илмий ишлаб чиқариш бишласмаси етакчи муҳандиси

Шамсиддинов Комилжон Камариддинович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Тахлилнома» курсатуви шарҳловчиси

Яковлева Кира Константиновна — «Правда Востока» газетаси бўлим мудири

Ўнарбоев Аҳмадjon Маҳмудович — «Ўзбекфильм» киностудияси режиссёри

Гафуров Иброҳим Усмонович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос ва таржимон

Ғуломов Отабек Ўткирбекович — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ишлаб чиқариш бўлими бошлиги

Хошимов Алишер Мухторович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот»-информацион дастурлар бош муҳаррирининг катта муҳаррири

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истисқлоқ гоғларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун куйидагилар мукофотланди:

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Аманов Алимжон — Академик В.Воҳид номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази бўлим мудири

Юртимизда тинчлик-товулик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни мустақамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик гоғларини қарор топтириш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шўхратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун куйидагилар мукофотланди:

«Дўстлик» ордени билан

Бендигер Маргарита Николаевна — Тошкент тиббиёт академияси умумий амалиёт шифокори тайёрлаш кафедраси доценти

Варелас Анатолий Советович — Ўзбекистон давлат консерваторияси торли чолғулар кафедраси доценти

Жамолова Дилдора Абдувахобовна — В.Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи директори ўринбосари

Орипов Дилшод Ҳакимжонович — Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Сувонқулов Жоникул (Жонбек Субхон) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Мамлакатимизда амалга оширилган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохот-

лардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодга Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун куйидагилар мукофотланди:

«Шўхрат» медали билан

Алланазаров Шавкат Абдуҳолиқович — «Туркистон» ва «Молодежь Узбекистана» газеталари бош муҳаррири ўринбосари

Абдуқулов Абдунайим — Тошкент автомобиль йўллар институти ўқув бўлими бошлиги

Асадуллаҳўжаева Умида Азизовна — Тошкент шаҳар 2-сон болалар «Муруват уйи» директори

Бўриев Лукмон Каримович — «Ёшлар» журнали бош муҳаррири ўринбосари, ёзувчи

Гуральский Михаил Абрамович — «Ташкентская правда» газетаси масъул котиби

Зунунов Мардонбек Давронович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Тошкент» телерадиоканали бош телеоператори

Калдибекова Анаргуль Сотбаровна — Тошкент давлат педагогика университети умумий умумий педагогика кафедраси доценти

Лановенко Евгения Николаевна — Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология институтининг лаборатория мудири

Маҳмамова Нафиса Ҳасановна — Алишер Навоий номидаги кино саройи кино-механиги

Мирсағатова Роза Абдуллаевна — Тошкент шаҳар 28-оилавий поликлиника ҳамшираси

Мўминов Нозимжон Маҳмудович — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Давр» ахборот дастурлари муҳаррирининг бош муҳаррири ўринбосари

Мўминова Сайёра Акбаровна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси кутубхоначиси

Нажмиддинов Саидмуроджон Турсунович — Тошкент шаҳар эркаклар «Муруват уйи» директори

Раҳимов Светлана Михайловна — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги спортчи-йўриқчиси

Сайдов Раҳимиддин Бешимович — Дзюдо бўлимида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Саъдиев Рустам Мирҳамидович — «Давр-преьера» масъулиятли келган жамиятининг постановка режиссёри

Смирнова Светлана Константиновна — Геология ва геофизика институти катта илмий ходими

Толибжонов Аскар Имомжонович — Болалар спортини ривожлантириш жағрамасининг Тошкент шаҳар филиали директори

Уразаев Дамир Адилевич — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтаъсирчи расом

Юдина Наталья Николаевна — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Дўстлик» радиоканалининг бўлим бошлиги

Юнусалиева Абиба Анарбаевна — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйининг умумтаълим мактаб дарсликлари таҳририяти етакчи муҳаррири

Юсупова Муборак Эргашевна — «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйининг муқова цеми муқоваловчиси

Ўлжабаев Сурайё Баҳромбековна — Ўзбекистон Фанлар академияси Темирйўл тарихи давлат музейи бўлим мудири

Ҳабирхонова Ўғиллой Норқуловна — Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 30-«Меҳрибонлик уйи» директори

СИРИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

• Дараклар ҳам сўзлайдими? Ҳа, сўзлаётган тадқиқотчилар шундай хулосага келиш Бунда баъзи даракларнинг қурғоқчилик вақт тарқатадиган ультратовуш тўлқинларини «сўзлаш» деб тушунишга тўғри бўлади. Намлик етмай қолган ҳолатда «сув» деганда кичкинаради. М афсуски бу ҳайқириқдан даракларнинг дўст эмас, балки душманлари — пўстлоқхўр кўнғиз хабар топади. Ҳашаротлар аввало ультратовуш тарқатиб қолиётган, қурғоқчиликка энг чидам даракларни аниқлайди-да, уларга ёпирилиб Бирок, ҳашаротшуносларнинг ҳисоблашлари бу ҳолатдан ўрмонга қирон келтирувчи қарши курашда фойдаланиш мумкин. Ультратовушлар дараклар «сўзлайдиган» частотада таталилади-да пўстлоқхўрларга қарши ўзига хос қон ҳосил қилинади.

• Буюк Британиянинг илмий жамиятлари бири ноҳуш товушларни тасниф қилди. Маъ бўлишича, ўта ёмон таъсир этиб, руҳиятини безовта қилувчи товуш — итнинг вовуллаши э Бундан кейингиси болалар йиғлаши ва тунги кир-тўқур. Шуниси қизиқки, товуш кучи муамни аниқлашда тўлиқ омил бўла олмайдди. Однинг газабини кўзгаб, жаҳлнинг чиқариш учун кимошоаси вақтида қоғознинг шитирлашигина фоя. Пичир-пичир сўзлашиш ҳам худди шун холга олиб келади.

• Хитой, Корея ва Япония маданиятида жаит, яъни оқ-яшил рангли минерал азалдан насат ва гўзаллик рамзи ҳисобланади. Ривоятла кўра у одамларга бахт ва кувонч келтириб ҳақ хавф-хатарларни даф қилиш ва умрни узайтир кудратига эга экан. Мутахассисларнинг фикри, жадитдан тайёрланган безаклар шифобахсусиятга эга бўлиб, улар биринчи навбатда уйсизликдан азоб чекаётганларга тавсия қилина

• Малайзиядаги энг катта дарёнинг узунли 120 километр бўлиб, номи туртгадир. Дарёнда дастлабки 32 километрини маҳаллий аҳоли тис деб атайдди. Ундан кейинги 44 километри нари, яна 44 километри Галас ва сўнгги, Жабий Хитой денгизига қуйилувчи қисми Келан деб аталади.

• Қувайт полициячилари аёллар автомоб, бошқаришдан маҳрум этилади деган қонда рий этган. Эндиликда юзиде ёпинчиғи бор аларнинг машина ҳайдаши мазкур қондага асо тақиқланади. Қўшни Саудия Арабистонида буммо ўзгача ҳал қилинган. У ерда аёлларнинг шина бошқариши умуман тақиқланади.

• Италияда шундай бир қишлоқ бор, Йозберк деган. Қишлоқнинг фаройиблиги шунда ҳар йили қиш ойда 30 ноябрдан 2 февралг қишлоқда қуёш умуман юзини кўрсатмайди. баби, тоғлар тўсиб қолади. Қишлоқ аҳолиси кун давомида қуёшсиз яшашига мажбур.

• Нухасининг кўпчилиги билан учинчи ўри турадиган машур «Майноти Синбу» газети Япония радиоэлектроника соҳасида юқори кўрс кичларга эришган. Газета таҳририяти «Шафирмаси билан ҳамкорликда жаҳонда бири бўлиб, электроника усулига асосланган чўнтакетасини чиқаришга эришди. Бу пейжернинг комиллашган тизимига асосланган бўлиб, ҳафда беш марта чиқади. Электрон газета соҳибри чўнтак калькуляториде келадиган электронранда кунга камида 160 сўздан иборат 180-та мақолани ўқишлари мумкин. Мақолалар кун турли янгиликлар билан икки марта янгилана. Газета таҳририятининг келажакда ўз обуначирини яна бир неча миллион кишига кўпайтиргимконлари етарли. Бу янгилик ҳозир тақ бўлган 100 минг тонналаб қоғозни тезаш ҳақ муштарийларга қўлай шариот яратиб, янгилаш ўз вақтида тезда хабар топши ва вақтежаш имкониятини яратади.

• Калифорния университети мутахассиси гвид Ян шу пайтгача ҳеч ким ўрганмаган илм ўрганишга бел боғлади ва бунга эришди ҳам қўпгина тарихий манбаларни кўздан кечир, қадимда спортчиларнинг «гонорар»лари қаамикдорда бўлганлигини билишга мушарр бўлди. Маълум бўлишича, қадимки Римда спт юлдузларининг бир йилги даромади ҳозирги т билан ҳисоблаганда 170 минг доллар атрофа бўлган экан.

• Америкалик олим, Калифорния техноло олий билимгоҳининг ўқитувчиси Карл Андерсон таъкидлашча, эркак кишининг энг гулла даври — 26 ёш экан. А.Македонский (И.Зулкнайн худди шу ёшда жаҳонни забт эта бошган. В.Шекспир ўзининг биринчи йирк асари ёзган, Леонардо да Винчи эса мўйқалам уст деб тан олинган. У.Черчилл парламент аъзи бўлган.

• «Кавлайверсанг бир нима топасан». Бу М археологларининг муқаддас сўзларидир. У Мисрнинг ва унга яқин суварларнинг остиде йилдан бери қидириш ва қазихи ишларини о борадилар. Лекин ҳали арзигулки бирон ўқўлга киритмагандилар. Ўтган йил қузидан лаб Исқандария бандаргоҳида 20 француз ва миср сув ости шўнғувчилари жиддий ишга ришдилар. Бунга Мисрнинг қадимий ёдгорларни сақлаш ташкилотиде чиқарган қарор тўр бўлди. Ташкилотнинг кўзда тутган мақсоди «М лўқлар қалъаси ва оламнинг 7 мўъжизаси бири бўлган Исқандария (Фарос) маёгини с лаб қолиш эди. Шўнғувчилар сув остиде кў маган нарсаларга дуч келдилар. Улар 6-8 м жойда ҳайқаллар, хатто сфинкслар, ибодатх ларнинг устунлари, 70 тонна келадиган улкан и нит блоклари топдилар. Улар «Фарос» маёининг бўлаклари эканлиги шундоққина кўриниб рарди. Топилмаларнинг баъзилари қуруқли тортиб олинди. Қимматбаҳо топилмалар муз ларга топширилди. Фавослар эса жон-жаҳ рни билан ишни давом эттирдилар. Улар уч- ой ичида Исқандария шаҳри атрофларини с чиклаб кўздан кечирдилар керак. Чунки ш муддат ўтиб, шаҳарни сақлаб қолиш учун сув тиде таъмирлаш ишлари бошланади.

ЎА муҳбири Ирода УМАРОВА суҳбатлашди

ЭЛ-ЮРТ ХУРМАТИ ВА ИФТИХОР РАМЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик ва эътибор самараси ўларок, ёшларимиз халқроқ миқёсдаги спорт мусобақаларида улкан ғалабаларга эришиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Шундай спортчи ёшларимиз жасоратини муносиб тақдирлаш, уларни янги ғалаба ва марралар сари даъват этиш мақсадида «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони таъсис этилди.

«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони жаҳон чемпионатларида, Олимпия ўйинларида ва уларга тенг жаҳон спорт анжуманларида голиб бўлган ҳамда ўз ютуқлари билан Ватан обрўсини, шони ва шўхратини улғулаган кўмаклашган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилди.

Эл-юрт олдидаги улкан хизматлар эътифори ҳамда халқимизнинг фаровон келажиги, фахру гурури тимсоли бўлиши бундай ордан ва унвонлар яна кўплаб юртдошларимизнинг кўксини безатиш шўбаэси. Зеро, эл-юрт хўрматига сазовор бўлиш, мамлакатнинг ифтихорига айлиши ҳар бир инсон учун бахт, энг олий қадриятдир.

Олим ТўРАҚУЛОВ, ЎЗА шарҳловчиси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хитой-Ўзбекистон муносабатларини ривожлантириш Буюк Ипак йўли орқали ўрнатилган ва равақ топган тарихий алоқаларни тиклаш, ҳозирги замонавий ҳамкорликни кенгайтириш нуктаи назардан ҳам долзарбдир. Мамлакатларимиз давлат раҳбарлари ўртасидаги хўрмат ва ишонч, муносабатларимизнинг ҳўқуқий пойдевори мустақамлашига ўзаро алоқаларимизни янада мустақамлашда муҳим омилдир.

ХХР Рамзи Ху Цзиньтао 2004 йили давлат таширфи билан Ўзбекистонга келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2005 йилда давлат таширфи билан Хитойга борди. Таширфи асосида имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига кўтаришга ва алоқалар қўламни янада кенгайтириб, янги мазмун билан бойитишга хизмат қилмоқда.


Ўзбекистон ва Хитойнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) доирасидаги муносабатлари ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Жорий йилнинг 15-16 август кунлари ШХТнинг Бишкекда ўтган саммитида икки давлат раҳбарлари ўрашиб, минтақа хавфсизлиги ва долзарб халқроқ муаммолар ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истисқлоқига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар йилдан-йилга мустақамлашиб бормоқда. Албатта, бунда мамлакатларимиз раҳбарларининг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш масалаларига қарашлари, халқроқ ва минтақавий муаммоларга ёндашувлари ўшаш эканлиги, Ислам Каримов ва Ху Цзиньтао ўртасида мустақам дўстона муносабатлар қарор топгани муҳим аҳамиятга эга. Айнақса, хавфсизликка таҳдид солувчи терроризм, айирмачилик, экстремизм ва нарқобанас каби иллатларга қарши курашда муросасизлик тамойилига ҳар икки давлат бирдек

ЮЙ ХУНЦЗЮНЬ: ЎЗБЕКИСТОН

— УЛКАН САЛОҲИЯТГА ЭГА МАМЛАКАТ

амал қилади. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг қайси йўналишларин



«ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ЮРТИМИЗДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҲУҚУҚИЙ, ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ, МОЛИЯВИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «2004-2009 ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУМИЙЛИК ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ ҲАМ АНА ШУ ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАНДИР.

Август кенгашлари

ТАЪЛИМ РИВОЖИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Шайхонтоҳур туман халқ таълими соҳаси ходимларининг аънанавий Август Кенгаши ҳам мустақил юртимизнинг 16 йиллиги ҳамда юқоридаги Қонун ва дастурнинг қабул қилинганлигига 10 йил тўлиши арафасида бўлиб ўтди.

Анжуман Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ўтказилди.

—2004-2009 йилларда мактаб таълими ривожлантириш Давлат умумийлиги дастурини муваффақиятли амалга ошириш учун бор куч-ғайратимиз, салоҳият ва имкониятларимизни ишга солишга, шунингдек, фанларнинг асосий мақсад ва вазифаларини, Ватан ҳақидаги билим, кўникама ва тушунчаларни шарҳлаб, ўқувчиларнинг қалби ва онгига назарий ва амалий усуллар билан сингдириш, уларда юртга муҳаббат, она заминга садоқат, мардлик, ватанпарварлик ва фидойилик фазилатларини шакллантириш, гуруҳ ва ифтихор туйғуларини тарбиялаш биз педагогларнинг асосий вазифаларимизга қиради, дея таъкидлади жумладан Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими раҳбари Эргаш Маъдуман анжумани кириш сўзи билан очар экан.

Анжуманда «Муаммолар ечимини изланг ва топинг», «Билишга улгурмаган бўлсангиз билимингизни оширинг», «Қатъий назоратда турувчи ҳужжатларни юритиш ва уларнинг мазмун-моҳиятлари ҳақида», «Илғор иш тажрибалари юзасидан фикр алмашинг», «Баркамол инсонни тарбиялаш ҳамда болаларни мактабда тайёрлашда мактаб, маҳалла ва оила самарадорлигини ошириш ва унга раҳбарлик қилиш», «Компьютер техникаси ва ах-

борот технологияларидан унумли фойдаланиш» каби долзарб мавзуларда бир қанча ўқитувчилар ва туман мактаблари директорлари маъруза қилдилар. Шунингдек, анжуман иштирокчиларига туман халқ таълими бўлими томонидан, илмий-методик ва ғоявий-сиёсий савияни ўстириб такомиллаштириб бориш, ўқув-тарбия жараёнини етук кадрлар билан таъминлаш муаммоларини ижобий ҳал қилиш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этишга эришиш, фан олимпиадаларига юқори савияда тайёргарлик кўриш каби йигирмадан ортқ мавзулар бўйича ёзма тавсияномалар ҳам тарқатилди.

Дарҳақиқат, ўсиб келаётган ёш авлоднинг онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, ўз она юртига бўлган гуруҳни шакллантириш, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмаслигини таъминлаш, урф- одатларимиз ва қадриятларимизга ҳурмат ҳисси билан қарашга қоралаш азиз устозларимиз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли вазифадир.

Жумладан, Шайхонтоҳур туманида бўлиб ўтган Август кенгашлари ҳам таълим даражаси ва сифатини янада яхшилашга қаратилди. Утган ўқув йилида кўлга киритилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳақида фикр юритилди, бажарилган ишлар сарҳисоб қилинди ва янги ўқув йилига режалар тузиб олинди.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: Шайхонтоҳур туманидаги 13 -мактабда бўлиб ўтган Август кенгашларидан лавҳалар
Алексей Попов олган суратлар.

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ШАХРИМИЗ Кўчаларида ҲАРАКАТЛАНАЁТГАН ЖАМОАТ ТРАНСПОРТЛАРИ ЎЗИНИНГ ҚУЛАЙЛИГИ, ТЕЗҚИЛИШИ ВА ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОСЛИГИ БИЛАН ЙЎЛОВЧИЛАРГА МАНЗУР БЎЛМОҚДА.

Буларнинг барчаси соҳада амалга оширилаётган туб ислохотларнинг маҳсули дейиш мумкин. Яна бир қувонарли томони шундаки шаҳар йўловчи ташиш транспорт қатновининг асосий қисми автобус, микроавтобус ва таксилар ҳиссасига тўғри келади. Йўловчи ташиш борасидаги илгариларлар боис, шаҳримизда 10 та автобус 5 та такси саройлари фаолият кўрсатмоқда. 14 та автобус бекетлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2676 нафар автобус, 2490 нафар такси ҳайдовчилари ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг узогини яқин қилишда қўлдан келган барча юмушларни амалга оширмоқдалар.

йилга нисбатан ўсиш суръати 5,6 фоизни ташкил этди. Шу вақт мобайнида шаҳар ичида ҳаракатланаётган «Мерседес-Бенц», «Хундай» русумидаги автобус ва микроавтобуслардан ташқари, яқинда япониялик ҳамкорлар билан биргаликда ишлаб чиқарилаётган «Усузу» русумидаги автобусларнинг ҳам

Шу маънода пойтахт кўчаларида ҳаракатланадиган жамоат транспортлари, хусусан, автобуслар ўзининг сифатли хизмат кўрсатиши, қулайлиги, бир сўз билан айтганда замон талабига мослиги билан ажралиб туриши керак деб ўйланган. Утган давр мобайнида бу борада маълум кўрсаткичларга эришилди. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас, ҳали олдинда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар анчагина.

Бинобарин, амалга оширилаётган ислохотлар тез ва қисқа фурсатларда ўз самарасини бермоқда. Жумладан, автобусларнинг ҳаракат мунтазамлиги 2007 йилнинг биринчи ярим йиллигида режадаги 92,7 фоиз ўрнига, 94,68 фоиз этиб бажарилганлигининг ўзиёқ иш сифатининг юқорилигидан далолат беради.

Жорий йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» сифатида эътироф этилишига мувофиқ соҳа ходимларининг йўловчиларга хизмат кўрсатишдаги ҳиссаси ортиб бормоқда. Аниқ мақсадларни ўзида мужассам этган режадаги ишларни амалга ошириш асосида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида умумий даромад режалари 103,2 фоизга бажарилди. Шундан йўловчи ташиш ишларидаги даромад режалари 102,9 фоизга адо этилди.

Транспорт
АВТОБУСЛАР ХИЗМАТИДАН ЙЎЛОВЧИЛАР МАНЗУР





—Бизнинг энг олий мақсадимиз мустақил юртимизнинг истиқболига хизмат қилишидир,—дейди «Тошавтобустрас» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Тўлқин Дадабоев.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам

ШИНАМЛИК, ГЎЗАЛИК — ДИЛ ЯЙРАТАДИ

ИНСОН КАЙФИЯТИ ВА УНГА КўТАРИНКИ РУҲ БАХШ ЭТИШ ИШ УНУМИНИНГ ОШИШИДА МУҲИМ ОМИЛЛАРДАН БИРИДИР. ШУ ЖИХАТДАН ОЛГАНДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ ТИЗИМИДА ФАОЛИЯТ КўРСАТАЁТГАН 18 ТА САНАТОРИЙ МУАССАСАЛАРИ ВА БИТТА МАВСУМИЙ ДАМ ОЛИШ МАСКАНИДА ХАМ БУ БОРАДА КАТТА ҲАЖМДАГИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛИБ, ЯРАТИЛГАН БАРЧА ҚУЛАЙЛИК ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ДАМ ОЛУВЧИЛАР СЎРАМАТЛИГИ ВА МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИ ТИКЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.



Улар орасида ўзининг гўзал манзараси ва шифобахш сувлари билан ажралиб турадиган «Ботаника» санаторийси фаолияти ҳақида алоҳида айтиб ўтиш мумкин. Ушбу шифобахш маскан иқлимли ва бальнеологик курортлардан бири саналиб, пойтахтдан 30 километр масофада, Тянь-шань тоғи этакларида, денгиз сатҳидан 570 метр баландликда жойлашган. Иқлими континентал, қўشли кунларнинг кўплиги, майин ва муссаффо, кислородга бой ҳаво даволаш ўтказишга ғоятда қулай. Маълумки, хлорид-натрийли сувлар юрак-қон томирлари, асаб-тизимлари, ошқозон-ичак йўллари фаолиятини яхшилашга хизмат қилади. Артериал қон босими кўтарилишини пасайтиради. Эътиборлиси, санаторийда маъданли сувлардан ташқари, Жиззах вилоятининг Балиқли қўлидан келтирилдиган шифобахш балчиқдан фойдаланилади.

Улар орасида ўзининг гўзал манзараси ва шифобахш сувлари билан ажралиб турадиган «Ботаника» санаторийси фаолияти ҳақида алоҳида айтиб ўтиш мумкин. Ушбу шифобахш маскан иқлимли ва бальнеологик курортлардан бири саналиб, пойтахтдан 30 километр масофада, Тянь-шань тоғи этакларида, денгиз сатҳидан 570 метр баландликда жойлашган. Иқлими континентал, қўшли кунларнинг кўплиги, майин ва муссаффо, кислородга бой ҳаво даволаш ўтказишга ғоятда қулай. Маълумки, хлорид-натрийли сувлар юрак-қон томирлари, асаб-тизимлари, ошқозон-ичак йўллари фаолиятини яхшилашга хизмат қилади. Артериал қон босими кўтарилишини пасайтиради. Эътиборлиси, санаторийда маъданли сувлардан ташқари, Жиззах вилоятининг Балиқли қўлидан келтирилдиган шифобахш балчиқдан фойдаланилади.

—Серкўёш кунлар, муссаффо ҳаво, шифобахш сув ва даволоччи балчиқлар юрак-қон томир, нафас йўллари, асаб тизимлари ва ошқозон-ичак каби бир қатор касалликлар билан оғриган беморларнинг соғлиқларини тиклашда жуда катта ёрдам беради,— дейди биз билан суҳбатда «Ботаника» санаторийси бош шифокори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Мирафзал Юнусов.— Бундан ташқари электронур, даволаш жисмоний тарбияси, уқалаш, лазертерапия, психотерапия, игнареферротерапия, гидроаэрозонизация, озокерит-парафин, парҳез овқатланиш каби усуллар билан даволаш ҳам йўлга қўйилган. Бир сўз билан айтганда 70 дан ортқ турдаги даволаш усуллари қўлланилади.

Бунинг учун санаторийда ҳозирги кун талабига жавоб берадиган даволаш-таъхис базиси, функционал-таъхис кабинетлари, клиник ва биокимёвий лабораториялар, ЭКГ ва УЗИ аппаратлари, рентген ускуналари мавжуд бўлиб, уларда ўз касбининг устаси бўлган, олий тоифадаги шифокорлар иш олиб борадилар. Врачлар малакасини ошириш институти доценти Э.Шайхон каби тажрибали шифокорлар муолажаси беморлар дардида даво бўлмоқда.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, дам олувчилар учун санаторийда яхши дам олиб даволанишлари ва соғлиқларини тиклашлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, уларга бир ва икки ўринли шинам хоналар, оилавий кутежлар ва қариялар бўлимлари, «люкс» хоналари, сув ҳавзаси, фитогадо, чулбўхона, спорт майдончалари, чойхона, сауна хоналари хизмат қилмоқда, автотранспорт сақлаш жойи мавжуд, экскурсиялар уюштирилиб турилади.



«Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» деб бежизга айтилмаган. Йил давомида меҳнат қилиб таътилга чиққан азиз ҳамшаҳарлар, республикамизнинг ноёб табиий иқлим омиллари, маъданли сувлари ва барча даволаш имкониятлари бўлган, сезининг яхши хордик чиқаришига имкон яратадиган «Ботаника» санаторий-курорт муассасасига ҳеч иккинчи келинг. Сизни ишонтириб айтганимизки, бу ерда яхши даволаниб, соғлигингизни тиклаб оилангиз, иш ва ўқиш жойингизга янги куч-ғайрат билан қайтасиз.

«Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» деб бежизга айтилмаган. Йил давомида меҳнат қилиб таътилга чиққан азиз ҳамшаҳарлар, республикамизнинг ноёб табиий иқлим омиллари, маъданли сувлари ва барча даволаш имкониятлари бўлган, сезининг яхши хордик чиқаришига имкон яратадиган «Ботаника» санаторий-курорт муассасасига ҳеч иккинчи келинг. Сизни ишонтириб айтганимизки, бу ерда яхши даволаниб, соғлигингизни тиклаб оилангиз, иш ва ўқиш жойингизга янги куч-ғайрат билан қайтасиз.

НОЗИМА АКРОМОВА,
Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси
СУРАТЛАРДА: «Ботаника» санаторийси фаолиятидан лавҳалар.

Иқтисодиёт

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТАДИ

ҲАР БИР БУНЁД ЭТИЛАЁТГАН ЗАМОНАВИЙ БИНО КўРКИНИ ТАЪМИНЛАШДА, АЛБАТТА ПАРДОЗЛАШ ЮМУШЛАРИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ТУРЛИ ХИЛ НАҚШИНКОР ОЙНАЛАР, АЙНИҚСА ХАРИДОРГИРЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ, УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИДА, ОФИС ВА ИДОРЛАРНИ БЕЗАШДА УЛАРДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИЛАДИ.

«Хамдам-Афзал» хусусий корхонаси тадбиркорлари эса ана шундай ойналарнинг 10 хилдан зиёдини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлиб, сифатга қаратилган эътибор боис буюртмалар кўпайиб бормоқда. Натижада йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортиб бормоқда.

—Жорий йилда ўтган йилгидан бирмунча кўп, яъни 40 миллион сўмлик нақшинкор ойналар тайёрлашни мўлжаллаганимиз,— дейди корхона директори ўринбосари Зуҳра Пулатова.— Жамоамизда меҳнат қилаётган 15 нафар ишчи-хизматчи буюртмаларни сифатли ва вақтида бажариш учун саъй-ҳаракат қилишмоқда. Дизайнерларимиз эса янги-янги нақш турларини ойналарга кўчириш устида изланишмоқда.

Маҳсулот тайёрлашда тадбиркорларга маҳаллий хом ашё — Кувасой ойналари қўл келса, уларни нақш билан безашда замонавий вакуумли ускунадан самарали фойдаланилади. Шунингдек, харидорларга қулайлик яратиш мақсадида корхона маҳсулотлари ўз фирма дўконларида сотилади. Йил охиригача тадбиркор жамоа ахли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш асосида 20 та қўшимча ишчи ўринлари яратишни кўзда тутишмоқда.

ЭКСПОРТГА ЧИҚАРИЛМОҚДА

ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ, ЯъНИ БАНКЛАРДАН ОЛИНГАН КРЕДИТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РИВОЖИДА, ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ВА ЭКСПОРТБОЕ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАШДА, ШУНИНГ БАРОБАРИДА ХОРИЖ БАЗОРИДА ЎРНИНИ ТОПИШИДА КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Йилига 6 миллион погон метр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Holos» масъулияти чекланган жамияти учун ҳам 2002 йилда «Узприватбанк»дан олинган 409 минг евро микдордаги кредит ривожланишда муҳим ҳисса бўлди.

2002-2006 йиллар мобайнида 3 миллиард 300 миллион сўмликка яқин турли ранг ва ҳажмдаги полипропилен қоплар тайёрланиб, буюртмачилар талаби бажарилди. 100 миллион сўмлик сифатли маҳсулот эса хорижга экспорт қилинди. Харидорлар орасида АКШ, Болгария, Корея сингари давлатларнинг борлиги қувонарлидир.

Корхона маҳсулотларидан халқ ҳўжалигининг озиқ-овқат, кимё sanoатида кенг қўлланилади. Энг асосийси эса полипропилен қоплар буюртмачи талаби асосида тайёрланади ва пардозланади. Ишлаб чиқаришда Россия ҳамда Туркиядан келтирилган хом ашёдан самарали фойдаланилганини, юксак унумли дастгоҳлар қуввати сифатида, маҳсулот харидорлигини оширишда аҳамиятлидир.

Тадбиркорлар яқин келгусида ўз фаолиятларида янги йўналишлар очиб, янги цехлар ташкил этишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Улар бунёдкорлик учун керакли бўлган маҳсулотларни ҳам тайёрлаб, юртимиздаги қурилишлар сифат ва самарадорлигига улуш қўшиш ниятида.

Шарифа ИЛЁСОВА

Тиббиёт

ЯНГИ НИЗОМ

«ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАСИ» ДОРИХОНАСИНИНГ НИЗОМИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН БУ ЙўРИҚНОМА ДОРИХОНАЛАР ИШИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРИШДА МУҲИМ ҲУҲЖАТ БўЛИШ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Ушбу Низомга асосан даволаш-профилактика муассасасининг бўлимлари республика Давлат реестрида рўйхатга олинган дори воситалари, тиббий буюмлар, боғлов материаллари, санитария ва гигиена ашёлари ва дезинфекция воситалари ҳамда бошқа маҳсулотлар билан таъминланади.

Дориҳоналар фармацевтика институти талабалари, тиббиёт коллежларининг дори-дармон йўналишидаги ўқув амалиёти ўтказиладиган маскан ҳисобланади.

КАСАБА УЮШМАСИ ЁРДАМИДА

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ТИББИЙ ТАДБИРЛАР ЎЗ ИЖОБИЙ НАТИЖАСИНИ БЕРМОҚДА. БУНИ КЕНГАШНИНГ МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАН ҲУДУДИЙ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ МИСОЛИДА ҲАМ КўРИШИМИЗ МУМКИН.

Пойтахтимиздаги 14-болалар жарроҳлик шифохонаси, 9-оилавий поликлиника бинолари тубдан таъмирланди. Тумандаги қатор шифохоналар янги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Кам таъминланган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг фарзандлари ёзги оромгоҳларда дам олишди.

МАВСУМГА ТАЙЁР

ШАХРИМИЗ ШИФОХОНАЛАРИНИ 2007-2008 ЙИЛ КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРЛАШ ИШЛАРИ ЖАДАЛЛИК БИЛАН ОЛИБ БИРИЛМОҚДА. ТУЗИЛГАН РЕЖА-ТАДБИРЛАРГА БИНОАН КўЗДА ТУТИЛГАН БАРЧА ИШЛАР ДЕЯРИЛИ УДДАЛАНДИ.

Марказий шифохоналардаги иситиш тармоғи тартибга келтирилди. Иссиқлик ва совуқ сув тармоқлари жорий таъмирланди.

Режага қиратишган бошқа бунёдкорлик ишлари ҳам ниҳоясига етди.

Ақбар АЛИЕВ

«Камолот»

БўШ ВАҚТЛАРИ МАЗМУНИ ИТМОҚДА

РЕСПУБЛИКАМИЗ ЁШЛАРИ ЎРТАСИДА АНЧА ЙИЛЛАРДАН БЕРИ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН «ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН!» ЛОЙИҲАСИ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА. УШБУ ЛОЙИҲА 21 ЙўНАЛИШНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН БўЛИБ, БАРЧА ЙўНАЛИШЛАР ЁШЛАРИНИНГ БўШ ВАҚТИНИ СЕРМАЗМУН ЎТКАЗИШ ВА УЛАРНИНГ СИЁСИЙ ОНГИНИ ЎСТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН.

Барча туманларда бўлгани каби Юнусобод тумани камолотчилари ҳам «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳасини амалга оширишда бир қанча ташкилотлар, олий таълим муассасаларида тахсил олаётган ташаббускор талабалар ҳамда «Бунёдкор» ёшлар телеклуби билан биргаликда сидқидилдан хизмат қилмоқдалар. Мана шундай тадбирлардан бири Ғайратий маҳалласида «Тиббий ёрдам» йўналиши бўйича ёшлар билан қизиқarli давра суҳбати шаклида бўлиб ўтди. Бу давра суҳбатида маҳалла фуқаролари ҳам фаол қатнашдилар. Бу ҳақда 243-мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Раъно Нурметова қуйидаги фикрларни билдирди.

—Республикамиз ҳудудида нодавлат нотижорат ташкилот бўлмиш «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил қилингандан бери жуда кўп самарали ишларни амалга ошириб келмоқда.—2003 йилдан бошлаб «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси бўйича бир қанча тадбирлар ўтказилиши ёшларимиз ўртасида анъана тусини олган. Бизнинг мактабимизда таълим олаётган болаларнинг 13,8 фоизи ҳозирги кунда ёзги таъилни дам олиш оромгоҳларида ўтказаятган бўлсалар, қолган 86,2 фоизи эса оила аъзолари даврасидадир.

«Камолот»чилар ана шундай болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ва самарали ташкил қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом турмуш тарзида тарбиялаш мақсадида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳасини маҳаллаларда ўтказиб келмоқда. Ҳозир ана шундай лойиҳанинг бир йўналиши бўлмиш «Тиббий ёрдам» давра суҳбатининг гувоҳи бўлдим. Бизнинг мактаб ўқувчилари ҳам бу тадбирга тўлиқ жалб қилинган. Давра суҳбати аъло даражада бўлиб ўтди. Мактаб ота-оналари кўмитаси номидан бу лойиҳа ташкилотчиларига ўз миннаторчилигини билдирдим.

Дарҳақиқат, бугунги давра суҳбати қизиқarli маълумотларга бой бўлди. Болаларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари ўргатилди. Тадбирнинг юқори даражада ўтиши учун болалар ўртасида интерфол ўйинларнинг ўтказилиши ёшларда катта таассурот қолдирди.

Маъруф ХўЖАҚУЛОВ,
«Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоси

Хидирали ПАНЖИЕВ

ОЗ ОЗ ҲАҚИДИ ДОМО БУЛАР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб ҲИҚМАТЛАР

Тирлик деганинг бу елдек ўтиб кетади, У қочади, унга етиб бўлмайди, уни ким топа олади?

Бу бахтта қувониб гурурланма, у келади ва яна кетади, Бу давлатта ишонма, уни беради ва яна олади.

Бу давлат ўзи бевафо-беқарор бўлмаса эди, Бахт-давлат қандай яхши нарса бўлар эди.

Бу давлат келиб, яна кетмас бўлса эди, Ёриган кунлар қоронғилашмас эди.

Давлат айтади: Энг аввало, мени қўлга киритувчи кишининг қилиғи раво, кўнгли юмшоқ, тил ва сўзи ширин бўлиши лозим.

Кимда-ким мана шуларга риоя қилса, мен у билан бирга қоламан, бўлмаса кийикдек қочиб кетаман. Унда менга ким ета олади?!

Давлатли ва бахтиёр бўлишнинг йўллари: зарифлик, дили равшанлик, камтарлик, ёвуз-ярмаслардан узоқ туриш, ўзидан улуғларни ҳурмат қилиш, кичикларни эъзозлаш, ҳасаддан йироқлик, исрофгарчиликдан асраниш, хийла-алдовлардан йироқда туриш.

Давлат кийик каби, у кишидан қочади, Агар у келиб қолса, маҳкам тут, тизгинла ол. Тутга билсанг, давлат тўзайди, туриб қолади, Агар тўзиб кетса, яна қайтиб келмайди, бот қочади.

Бахт бир келади, сен уни маҳкам тутга билмасанг, у кетади, Сенга насиба беради, сен уни ея билмасанг, қайтиб олади.

Мабодо беқарор кутга етишсанг, уни жуда эзгу тут, Агар уни қаттиқ тутмасанг, яна қайтиб кетади, ишонгин.

Ой туг(ил)ганда дастлаб у жуда кичик туг(ил)ади, Сўнг кундан-кунга улғаяди, юкори кўтарилади. Ой тўлин бўлса, тўлишса, оламни ёритади, Жаҳон халқи ундан рўшнолик топади.

Ой тугал бўлиши, энг баландга кўтарилгач, кўргин, Яна емирилади, қамая боради, юз чиройи кетади. Ёруғлиги қамаяди ва яна маҳв бўлади (йўқ бўлади), Қайта туг(ил)ган кечасидан бошлаб оз-оздан яна тўлишсади...

Кишига бахт келади, оти шухрат қозонади, Янги ойдек ортади, ёруғлиги бўлади. Давлат бевафо, гумроҳдир, унга кўнгли боғламагин, Давлат тўлин ой каби, у яна емирилади.

Эй униб-ўсгур неъмат соҳиби, шукр қил, Шукр қилсанг, Худо неъматни зиёда қилади. Неъмат соҳиби (дарҳол) ўзини унутиб қўяди, Агар унга шукр қилса, билсанг, у (Худо) юз ўгирмайди.

Озгина қарами учун беҳисоб шукр қил, Агар неъмат кўплаб насиб бўлса, унинг қадрига ет. (Киши) шукр қилса, неъматнинг бири ўн бўлади, Бири ўн бўлади ҳамда уйи нарасга тўлади, кўргин.

Хукмдор элига тўғрилиқ ва адолат кўрсатса, у барча тилак ва орзуларига етади. Даргазаб бўлган пайтида беглар олов (ва) оғу бўлади.

Беглар қаҳрга келиб, даргазаб бўладиган бўлса, У(лар)дан йироқ тургин, бўлмаса зиён етказадилар.

Даргазаб бўлган пайтларида бегларга яқин борма, Агар боргудек бўлсанг, қадрсизлик (насибанг бўлиши) турган гап.

Беглар—юракли арслонга ўхшайди, Уларни қазабга келтирсанг, бош кесади.

Бегликнинг пайдевори, кўргин, тўғрилиқдир, Беглар тўғри бўлса, яшаб-яшнади.

Кимда-ким оқил сўзини тутса, унинг ишлари юришади.

Бегликнинг пойдевори, моёси тўғрилиқка асосланади, Бегликнинг томири (асоси) тўғрилиқ йўлидир.

Элга адолатли сиёсат юритса, бег тўғри бўлса, У истаган барча тилак-орзуларини топади.

Хизмат беги рози қиларли даражада бўлмаса, (Кишининг)хизмати, у қанчалик машаққат чекмасин, мақбул бўлмайди.

Агар хизматкор бегларга хизмат қилса, Бегларни севинтириш йўлини қаттиқ тутуши керак. Бегларнинг розилигига қараб, манзур бўларли хизмат қил, (Чунки) беги манзур кўрсанга, унинг хизмати эшик очади.

Хизматкор хизмат қилишни билса, тўғра чиқади, Хизмат қилишни билмаса, тўрдан пойгага тушади. Хизмат қилувчи қули бегини жуда хурсанд қилса, Бу қул учун хурмат ва қадр-қиммат йўли очилади.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Таълим масканларида

ИМКОНИАТЛАРДАН УНУМДИ Фойдаланиш

ТОШКЕНТ РАДИОТЕХНИКА ВА АВТОМАТИКА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИ ОСИЁ ТАРАҚИЁТ БАНКИ ТОМОНИДАН ЖИҲОЗЛАНГАН КОЛЛЕЖЛАР ҚАТОРИДАН ҲАҚИЯТ ОЛГАН БЎЛИБ, МАНА БИР НЕЧА ЙИЛДИРКИ, МАМЛАКАТИМИЗГА ЗАМОНАВИЙ БИЛИМГА ЭГА, МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ЕТИШТИРИБ БЕРМОҚДА.

Техниканинг кўраи заминда жадал ривожланиб бориши, компьютер ва Интернет тизимларининг ҳаётимиздан кенг ўрин олиши ушбу соҳа мутахассисларига эҳтиёжни ҳам ошириб юбормоқда. Бинобарин, мазкур коллежда офис компьютерларини таъмирлаш устаси, радиотехника ва телеаппаратура-ларни таъмирлаш устаси ва шу каби 8 та йўналишларда бугунгача ҳар ўқув йилида 400 нафарга яқин ўқувчи қабул қилинган бўлса, бу йил уларнинг сони 600 нафардан ошиб кетди. Бу эса коллежда яратилган шарт-шароитдан тўлиқ фойдаланиш имкониятини берди.

Хозирда ҳар бир хонанинг жиҳозланиши, ўқитувчиларнинг салоҳияти, Ахборот-ресурс маркази фаолияти, устакана ва спорт анжуманлари 2007-2008 янги ўқув йили учун тахт қилиб қўйилган.

Шунингдек, бу йил ўқишга қабул қилинганларнинг аксариятини 16 ёшли «Мустақиллик тендошлари» ташкил этади. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларни коллежга муносиб тарзда қабул қилиш, Мустақиллик байрами, Билимлар кунини нишонлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Кўп йиллардан бери коллежнинг самарали фаолиятига ўз хиссасини қўшиб келатган, катта тажрибага эга ўқитувчилардан Ж.Дадаева, С.Пақ, Ш.Азимова, М.Беркинов, Е.Ципкина, Л.Сафароваларнинг бу йил масъулиятлари янада ошди. Чунки улар ўқув масканининг ҳамкорлари бўлиши Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Педагогика университетининг магистратура ва бакалавриати битирувчиларидан ишга қабул қилинганларга устозлик қилдилар, ўқитувчилик сир-асрорларини ўргатдилар.

Ҳа, ҳар йили Мустақиллик байрами бизни йил давомидаги ишлар сарҳисоби ва янги режалар сари йўналтиради. Бу йилги Август кенгашида ҳам педагогик жамоанинг ўтган ўқув йилидаги қилинган аризулик ишлари, камчилик ва ютуқлар



тилга олиниб, келгуси режалар тасдиқланди.

Ютуқларнинг яхшии асосан ўқитувчиларнинг ўқувчи-ёшларга берилаётган билимлари самараси билан боғлиқ. Хусусан, битирувчиларимизнинг дерили барчаси ўқишга, ишга жойлашгани бўлса, ўтган ўқув йилида «Камолот» ЕИҲ бошланғич ташкилоти аъзолари эришган ютуқ ҳам қувонарли бўлди.

Бир сўз билан айтганда, коллеж жамоаси Энг азиз, энг улуг байрамимизни ёруғ юз билан қутиб олмақда.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТЛАРДА: Тошкент Радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежининг янги ўқувчилари иштирокида ўтказилган тантанали маросимдан лавҳалар. Қозим Улмасов олган суратлар

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2007 йил 31 августдан бошлаб 25 сентябрга қадар. Тошканбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки Хадра майдони. 2007-2008 йилги мавсумнинг очилиши. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган байрам дастури. Томошаларнинг бошланиш вақти: 2007 йил 31 август—18.00, 2007 йил 1 сентябрь—15.00, 18.00, 2007 йил 2 сентябрь—12.00, 15.00. Бутун сентябрь ойида Шанба кунлари—12.00, 15.00. Яқшанба кунлари—12.00, 15.00. Касса эрталабки соат 9 дан ишлайди. Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-29-04.

Мирзо Улугбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 2-а уй манзилида жойлашган АОТ «Стройтрест-4» номига берилган кадастр рақами № 2726578387 бўлган ер кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Болалар спорти

Ёш полвонлар баҳс юритди

КУНИ КЕЧА СЕРГЕЛИ ТУМАНИДА 7 ТА ВАЗН ТОИФАСИДА МИЛЛИЙ ВА БЕЛБОҒЛИ КУРАШ БЎЙИЧА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИНГ ШАҲАР БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА 11 ТА ТУМАНДА ГОЛИБЛИКНИ ҚўЛГА КИРИТГАН СПОРТЧИЛАР ЎЗ ВАЗН ТОИФАЛАРИДА ЎЗARO КҮЧ СИНАДИЛАР.

— Бутун ёз ойлари давомида ёшларимизнинг бўш вақтларини тўғри ва мазмунли ташкил этиш мақсадида спортнинг 15 та, яъни баскетбол, кураш, белбоғли, эркин кураш, дзюдо, волейбол, енгил атлетика, карате, стол тенниси, қўл тўпи, футбол, шахмат, шашка, сузиш, бокс турлари бўйича кизикarli мусобақалар ташкил этилди, — дейди биз билан суҳбатда ушбу мусобақанинг бош ҳақами, тумандаги 11-спорт мактаби директори Улуғбек Раҳмонов. — Болалар спортига кўрсатилган эътибор албатта ўсмир-ёшлар ўртасида спортга бўлган қизиқишни ошириб, янги-янги иштирокчиларни кашф этмоқда.

— Мусобақаларни кузатсангиз ёшларни оммавий спортга кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб

этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар самарасини ўзингиз яққол кўрасиз, — дейди суҳбатимизга қўшилган Сергели тумани болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бош мутахассиси Хайрулло Якубов. — Туманимизда 1 та спорт мажмуи, 2 та спорт мактаби, Олимпия умидлари спорт мажмуиси, 1 та махсус ва 26 та ўрта таълим мактабларининг барчасида спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароитлар яратилиб, турли спорт тўғраракларининг фаолияти йўлга қўйилган. Ишонимизки, ёш авлод камолоти йўлидаги ҳар бир қадам эртага Ўзбекистон довуруғини таратишга қодир бўлган Рустам Қосимжонов, Руслан Чагаев каби иқтидорли, маҳоратли спортчилар сафининг кенгайишига хизмат қилади.

Мусобақага қизгин тайёргарлик кўраётган спортчи ўсмирлар ёнига яқинлашиб уларни суҳбатга тортидик. — Мен миллий кураш тўғрагага 4 йилдан бери қатнашиб, астойдил шуғулланиб келмоқдаман, — дейди қўла-рақ чақнаб турган Улуғбек Улмасов. — 19-мактабнинг 8-синфида ўқийман. Машғулотларга вақтида қатнаш барибарда яхши ўқишга ҳам ҳаракат қилишман.

— Мен эса спортнинг миллий кураш тури билан 6 йилдан бери шуғулланиб келаман. Шу билан бирга Со-

бир Раҳимов банк коллежида ўқи. Мунтазам равишда Сағбон спорт-лексида машғулотларни ўтагимиз. Ў турининг қай бири билан шуғулмоқчи бўлсак спорт анжуманлари етарли, яхши шарт-шароит ҳам-тилган. Шунинг учун ҳам ўтган йил миллий кураш бўйича бўлиб ўтган-публика чемпионатида 1-ўринни а киритдик. Ниятимиз келажакда и-миз довуруғини хорижга олиб чи-ган етакчи чемпионлар сафиданн олиш.

Мусобақани кузатар эканмиз 199, 1992, 1994 йилда туғилган болалаг шижоат билан ўзига ишонган ҳолда-қиб билан беллашётганининг ги бўлди. Натижалар яқини эса мий курашда Сергели биринчи, Собир и-мов иккинчи, Бектемир учинчи, бе-ли курашда эса Сергели энг юкори-темир иккинчи ва Собир Раҳимов ги учинчи ўринни эгаллаб голиблар в-дан жой олганларини кўрсатди.

Зеро, соғлом авлод — юрт ке-ги, эртаимизнинг ишонли суянч. Шундай экан спорт билан шуғу-наётган барча болажонларга эър қаратиш, ўзларига ишончли муста-лаб галабага интилишни уйғота барчамиз масъулигимизни унутми-гимиз лозим.

Шоира МУҲАМЕДА



Санъат

ФАҲРИЙЛАР КҮЙЛАГАНДА

«ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ИҶОДИЁТИ ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФ ИШЛАРИ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ, ЎЗБЕКИСТОН ОҚСОҚЛАР КЕНГАШИ, РЕСПУБЛИКА «НУРОНИЙ», «МАҲАЛЛА» ВА ХАЛҚАРО «ОЛТИН МЕРОС» ЖАМҒАРМАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА ШАҲРИМИЗДАГИ СЎЛИМ ГЎШАЛАРДАН САНАЛИШ ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОГИДА «ФАҲРИЙЛАР КҮЙЛАГАНДА» ДЭБ НОМЛАНГАН САНЪАТ БАЙРАМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Қорақалпоғистон Респуб-ликаси ва бошқа вилоятларда ўтказилган ушбу санъат бай-рамининг биринчи босқичида иштирок этган ва муносиб то-пилган 60 ёшдан ошган 80 ёшгача бўлган ижрочилар санъат байрамининг Тошкент шаҳрида ўтказилган якуний босқичида қатнашдилар. Шунингдек, тадбирда устоз санъ-аторлардан Ўзбекистон халқ артисти Р.К.Исмоилова, Ф.Раҳматова, О.Хитова, Ўзе-бекистон халқ ҳофиси Х.Ражабий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар— Х.Қодирова, Ҳ.Юсупова, З.Султонов ва бо-шқалар иштирок этдилар.

Тадбирнинг очилиш маро-симидида Республика «Нуроний» жамғармаси раиси Эркин Бо-қибоев сўзга чиқиб, Энг улуг ва энг азиз байрамим-из — Мустақиллигимизнинг 16 йиллик шодиёналари ара-фасида ўтказилаётган санъат байрами ва унинг иштирокчи-ларини қўш байрам билан му-борақбод этди.

— Мазкур санъат байрами-ни ўтказишдан мақсад,—дей-ди Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ва-зирлиги Республика халқ ижо-диёти маркази раҳбарининг ўринбосари Уткир Тожиров,— бутун умрини, ҳаёт йўлини

га иштиёқи баяндан санъат фахрийлар ўз ижро дасари билан қатнашмоқда.

Дарҳақиқат, тадбир и-рокчилари ўзларининг энг-гдор ва ширали овозлаи-дан мумтоз халқ кўши-дан ижро этиб барчанли-қишига сазовор бўлар. Ҳақиқий санъат байрами-ланган мазкур тадбир и-ганларда унутилмас таот колдирди. Шундан сўн-ят байрами иштироки Ўзбекистон Давлат кон-ваторияси, Маннон Уйғури-даги Тошкент Давлат ат институтига ташриф буш-ди ҳамда шахримиздав-рати Имом мажмуасини-рат қилиб катта таасурга бўлиши. Шунингдек, и-лаларда нурунийлар ан-ижодий учрашуларам бўлиб ўтди. Санъат беги иштирокчиларига ташки-лар томонидан диплома-далик совғалари топшиди.

Диролор ИКРОВА СУРАТЛАРДА: «Фай-лар куйлаганда» сат байрамидан лавҳала Раҳмонберди Исов олган сурат

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томи нидан 2007 йил 28 сентябрь кунин соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман суд ижрочилари бўли-ми томонидан 2006 йил 2 ноябрдаги 15104/2-сонли ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар, Шай-хонтоҳур тумани, Хуршид кўчаси, 112-уй манзилидаги «Дип-хорижиизмат» оиборхонасида сақланаётган 1990 йилда иш-лаб чиқарилган, дав.рак.Д31-05 бўлган «Мерседес-Бенц-Вульф» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 102 000 сўм.

жа маркази» МЧЖ томонидан 2007 йил 14 сентябрь к соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳар-тепа туман суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил февралдаги 10-0720/2074-сонли ижро ҳужжатига асосан 2-дим этилган Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор Д мавзеси 46-уйда жойлашган «Фонон-1» Тошкент заргар заводига қарашли ва шу манзилда сақланаётган автотре-порт воситаларини қўймоқда.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2007 йил 15 августдаги 3726/2-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 42-а-уй манзилидаги Жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани суди ҳудудидида сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АТ947 бўлган «ДАМАС» русумли автотранс-порт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 694 000 сўм.

1987 йилда ишлаб чиқарилган, дав.рак. 10АУ560 бўлган 3 3960-02 русумли автотранспорт воситаси.Бошланғич баҳ — 750 000 сўм.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суд ижрочилари бўли-ми томонидан 2007 йил 3 августдаги 9225/2-сонли ижро ҳужжатларига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Юнусо-бод тумани, Марказ-5 манзилидаги «Шаҳнозабон» жарима майдонасида сақланаётган 1991 йилда ишлаб чиқарилган, дав.рак. А801ХРМ бўлган «Мерседес-Бенц-300» русумли ав-тотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 275 000 сўм

1991 йилда ишлаб чиқарилган, дав.рак. 10АУ561 бўл ПАЗ-3205 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич ҳоси — 4 027 000 сўм.

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал бир-Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига қийиб қўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидо тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 з микдоридида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асага» ва «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мени банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-3 рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатна тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайх-хур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

1987 йилда ишлаб чиқарилган, дав.рак. 10АУ562 бўл ЗИЛ-157Н русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич ҳоси — 900 000 сўм.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2. Наҳрни етказиб бериш масалалари бўйича тура жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбоси акциядорлик компанияси бошқармаси Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМЛИГИ. Буюртма Г- 706

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563